

## ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИДА БАЛОҒАТ ИЛМИ НАЗАРИЯСИНING АСОСЧИЛАРИ

Салима Алийбег қизи РУСТАМИЙ

Филология фанлари доктори, доцент

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Ўзбек тили ва мумтоз шарқ адабиёти кафедраси

Тошкент, Ўзбекистон

## ОСНОВАТЕЛИ ТЕОРИИ НАУКИ БАЛЯГА В ВОСТОЧНОЙ ФИЛОЛОГИИ

Салима Алийбег қизи РУСТАМИЙ

Доктор филологических наук, доцент

Международная исламская академия Узбекистана

Кафедра узбекской филологии и классической восточной литературы

Ташкент, Узбекистан

## FOUNDERS OF THE THEORY OF THE SCIENCE OF BALAGHAT IN ORIENTAL PHILOLOGY

Salima Aliybeg qizi RUSTAMIY

Associate Professor, International Islamic Academy of Uzbekistan

Department of Uzbek Philology and Classical Oriental Literature

Tashkent, Uzbekistan [s.rustamiy@iiaw.uz](mailto:s.rustamiy@iiaw.uz)

UDC (УЎК, УДК): 81-23.: 372.8.

### For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Рустамий С. А. Шарқ филологиясида балоғат  
илми назариясининг асосчилари  
//Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020.  
— № 5 (34). — Б. 224-237.

<https://doi.org/10.36078/1612533534>

**Received:** October 29, 2020

**Accepted:** November 30, 2020

**Published:** December 20, 2020

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative  
Commons Attribution International License  
(CC BY 4.0).

[http://creativecommons.org/licenses/  
by/4.0/](http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/)



Open Access

**Аннотация.** Жаҳон цивилизацияси ривожда аниқ фанлар билан бир қаторда тафсир, фикх, ақоид, адаб масалаларини қамраб олган Қуръон илмлари ҳам муҳим мавқега эга бўлди. Ўрта аср олимларининг тилга оид назарий ва амалий масалаларни қамраб олган тилшуносликка оид қарашлари адаб илмлари таркибида луғат, сарф, наҳв, балоғат илмлари каби сертармоқ ва мураккаб илмий назариялар мажмуи сифатида ривожланиб, унинг ўрганиш объекти тил, тил ҳодисалари ва тил ифодаси бўлган нутқдан иборат бўлди. Тил — мураккаб рамзлар тизими сифатида баҳоланди. Мақолада адаб илмларидаги ҳисобланган балоғат илми назарий асосларининг вужудга келиши ва ривожланишида муҳим ўринга эга бўлган балоғатшунос олимлар, уларнинг шу соҳага оид асарлари таҳлил қилинган. Жумладан, IX асрнинг биринчи ярмида Абу Убайда «Мажозу-л-Қуръон» асари билан балоғат илмига асос солган. Бу илм такомиллашиб борди ва XII асрда хоразмлик олим Абу Ёқуб Юсуф Саккокий маъоний, баён, бадиъ илмлари билан бир тизимга тушириб, «балоғат илми» деб атади. Балоғат илми назарий асосларининг вужудга келишида Абдулқоҳир Журжоний ва Юсуф Саккокий фан асосчиси сифатида эътироф этилади. Жалолиддин Қазвиний ва Саъдуддин Тафтазоний балоғат илмига оид назарий қарашларни ривожлантириш билан бирга унинг фан сифатида ўқитилишига катта ҳисса қўшган олимлардир. Мазкур илм араб, форс, туркий халқлар орасида кенг тарқалган ҳамда XIX–XX аср бошларигача ўқув даргоҳларида фан сифатида ўқитилган. Балоғат илмининг тил ҳодисаларига оид назарий қарашлари бугунги кун тилшунослигида ҳам долзарблик касб этади.

**Калит сўзлари:** филология; адаб илмлари; балоғат илми; стилистика; Қуръон; риторика; бадиий воситалар.

**Аннотация.** В развитии мировой цивилизации наряду с точными науками сыграли важную роль и Коранические науки, содержащие вопросы тафсира (толкования), фикха (юриспруденции), акаиды (убеждения) и адаба (филологии). Взгляды средневековых ученых о лингвистике, которые охватывают теоретические и практические вопросы языка, складывались в структуре филологических наук как совокупность многоотраслевых и сложных научных теорий, таких как лексика, морфология, синтаксис. Её объектом изучения стали язык, языковые явления и речь как выражение языка. Язык оценивался как система сложных символов. В статье рассматриваются деятельность ученых «балагга» и их труды, сыгравшие важную роль в становлении и развитии научно-теоретических основ одной из филологических наук «балагга». В частности, в первой половине девятого века Абу Убайда заложил основы науки «балагга» в «Majaz al-Qur'an». Эта наука развивалась, и в XII веке ученый из Хорезма Абу Якуб Юсуф Саккаки систематизировал «ma'ani», «bayan», «badi'» и назвал их наукой «Балагга». Абд аль-Кахир Джурджани и Юсуф Саккаки, которые формировали теоретические основы науки «балагга», были признаны основоположниками этой науки. Джалал ад-Дин Казвини и Саад ад-Дин Тафтазани внесли большой вклад в развитие теории науки «балагга», а также в ее преподавании в качестве филологической дисциплины. Эта наука была широко распространена среди арабских, персидских и тюркских народов и преподавалась как предмет в учебных заведениях до начала XX века. Теоретические взгляды науки «балагга» о языковых явлениях актуальны и в современной лингвистике.

**Ключевые слова:** филология; филологические науки; наука о балагга; стилистика; Коран; риторика; художественные средства речи.

**Abstract.** In the development of world civilization, along with the exact sciences, the sciences of the Qur'an, which covered the issues of tafsir (interpretation), fiqh (jurisprudence), aqa'id (beliefs), and adab (philology) were of great importance. The views of medieval scholars on linguistics, covering theoretical and practical issues of language, developed in the structure of philological sciences as a set of multibranch and complex scientific theories, such as vocabulary, morphology, syntax. Its object of study became the language, linguistic phenomena and the speech as the expression of language. The language was estimated as a system of complex symbols. The article deals with the "balaghat" scientists and their works that played an important role in the emergence and development of the scientific and theoretical foundations of "balaghat", which is considered to be one of the philological sciences. In particular, in the first half of the ninth century, Abu Ubayda laid the foundation for the science of "balaghat" in his work "Majaz al-Qur'an". This science developed, and in the twelfth century, a scientist from Khorezm Abu Yaquub Yusuf Sakkaki systematized the sciences of "ma'ani" (semasiology), "bayan" (exposition), "badi'" (arts of speech) and called it "the science of Balaghat". In the formation of the theoretical foundations of the science of "balaghat", Abd al-Qahir Jurjani and Yusuf Sakkaki have been recognized as founders of the science. Jalal al-Din Qazvini and Sa'd al-Din Taftazani are scholars who have made great contributions to the development of theoretical views concerning the science of "balaghat" as well as to its teaching as a science. The science had been widespread among the Arab, Persian and Turkic peoples and was taught as a subject in educational

institutions until the beginning of the twentieth centuries. The theoretical views of the science of “balaghat” on linguistic phenomena are also relevant in the modern linguistics.

**Keywords:** philology; philological sciences; the science of balaghat; stylistics; Qur'an; rhetoric; artistic means of speech.

**Асосий қисм.** Араб тили ва адабиёти билан боғлиқ қарашларни ўзида мужассамлаштирган балоғат тўлиқ шакллангунга қадар унинг таркибий қисмлари бўлган баён, маъоний ва бадиъ ўзига хос равишда ривожланиб борган.

Балоғат илми ўрта асрларда шарқда Қуръон асосида вужудга келди ва ривожланди. Унинг таркибий қисмлари араб тили заминида мустақил равишда шакллана бошлаган. Унинг «мустақил»лигини И.Ю. Крачковский етарли далиллар билан асослаб берган. У ўз тадқиқотини ўша даврда араб адабиётига таъсир қилиш эҳтимоли бўлган эроний-сосоний ва грек-византия дунёсидан излашга уринади ва «араб поэтикасининг пайдо бўлишига ташқи омил таъсири бўлган, дейиш қийин» деган хулосага келади (12, 13).

Қадимдан шоирнинг қобилияти махсус таҳсил орқали ўсиб бориб, назм маҳорати устоздан шогирдга ўтиб борган, нотикликда ҳам муайян услуб шаклланган. Ўтмишда ёзилмаган қонунларга бўйсунган бу санъат IX асрга келиб тартибланган тизим шаклига кира бошлади ва балоғат деб аталди (27, 247).

Жоҳизнинг «Китобу-л-баён ва-т-табйин» рисоласи балоғат илмининг шаклланиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшган асардир.

Баён илми ҳақидаги фикрлар биринчи бор Абу Убайданинг (в.э. 825) «Мажозу-л-Қуръон» китобида зикр этилган. У Қуръонда учраган биринчи, яъни асл маъносидан бошқа маъноларда қўлланган сўзларни чуқур ўрганиб чиққан.

Абу Убайда Сибавайҳнинг шогирди ва Ҳорун ар-Рашиднинг устози бўлган. Бир қанча олимлар унинг изидан бориб, истиора ва киноя ҳақида рисолалар ёзганлар. Баён илми аббосийлар даврининг биринчи асригача махсус ажратилмаган.

Балоғатнинг таркибига кирувчи маъоний илми ҳақида айрим атоқли ёзувчилар ва Ҳорун ар-Рашиднинг вазирларидан бири Жаъфар ибн Яҳё, Саҳл ибн Ҳорун каби ёзувчи ва нотиклар қисман гапириб ўтганлар. Бу ҳақда биринчи бор мавжуд маълумотларни бир китоб ҳолига келтирган олим юқорида номи зикр қилинган Жоҳиз (775-868)дир. Бу асарлар – «Китобу-л-баён ва-т-табйин», «Иъжозу-л-Қуръон» ва б.

Кейинчалик Маҳмуд Замахшарий (1075-1144) Қурон-и Карим тафсилларида ушбу илм тақомилига катта ҳисса қўшган.

Жоҳизга етук олимлардан Абу Аббос ал-Мубаррад (826-898), ёзувчилардан Қудамма ибн Жаъфар (260-327 х.) эргашдилар (34, 7).

Бадиъ илми борасида биринчи бор махсус асар ёзган киши — аббосийлар ҳалифаси олим Абдуллоҳ ибн ал-Муътазз (861-908). Унгача Башшар ибн Бурд (696-783), Муслим ибн ал-Валид (747-823), Абу Таммам (788-845) ва бошқа шоирлар ўз шеърларида бадиъ турларини қўллаганлар.

Муътазз бадиъ илмининг ўн етти турини тўплади. У ҳақда Юсуф Саккокий шундай дейди: «Билгилки, бадиънинг турлари кўп. Уни ихтиро қилган биринчи киши ибн ал-Муътазздир». Муътазз «Китобу-л-бадиъ» асарининг муқаддимасида эътироф этишича, «бадиъ» истилоҳини биринчи бўлиб у қўлламаган, лекин санъатларни илк бора тадқиқ қилган ва бу ҳақда китоб яратган (37).

И.Ю. Крачковский Муътаззнинг араб адабиётидаги ўрнига юқори баҳо бериб шундай дейди: «Муътаззнинг сўз санъати назарияси (ҳаммаси бўлмаса ҳам) поэтик тилнинг ҳамма назарияси билан боғланган. Муътазз ишининг оригиналлиги бутун араб поэтикасининг оригиналлиги ва унинг мустақил пайдо бўлганлиги масаласига айланади» (13, 131).

Баён, маъоний ва бадиъ илмлари кейинги асрдагина боблар ва фаслларга ажратилди. Бу ишни биринчи бўлиб Абдулқоҳир Журжоний амалга оширди.

Журжоний ўзидан олдинги фикрларни кўп жиҳатдан такомиллаштирган ва ўз даврида маълум бўлган балоғат масалаларини жамлай олган, уларни таснифлаган. У баён ва маъоний илмларига оид «Асрору-л-балоға» ва «Дало'илу-л-ийжоз» асарларини яратган. Бу асарларда балоғат илми таркиби тугал шаклга келмаган бўлса-да, Журжонийгача яратилган кўпгина асарлардан фарқ қилувчи жиҳатлари кўп.

Олимлар балоғат илми Юсуф Саккокий «Мифтоҳу-л-улум» асарини яратгунга қадар шу ҳолда сақлангани ва бу асарда балоғат илми тўлиқ шаклланганини ҳозиргача эътироф этиб келадилар (34, 8). Асар балоғатдан ташқари араб тили морфологияси, синтаксиси, қофия ва аруз масалаларини ҳам қамраб олган.

Балоғат илми олимлари Юсуф Саккокий ўзигача баён этилган маълумотларни қайта кўриб чиқиб бобларни тартибга келтиргани, ундан кейинги олимларнинг барчаси шу қондаларга асосланганлари, кейинги аср балоғат илми олимлари ушбу илмга айтарли янгилик киритмай, мавжуд асарларга шарҳ ёзиш ва айтилган сўзларни такрорлаш билан кифояланиб келганларини таъкидлайдилар (34, 8).

Маълумотлардан кўришиб турибдики, балоғат илмининг таркиб ва тартиб жиҳатдан бир асарга жамланиб, илмий жиҳатдан етук даражага келиши, дастлаб Журжоний, сўнгра Саккокийнинг беназир меҳнатлари самарасидир.

#### **Абдулқоҳир Журжонийнинг «Асрору-л-балоға» ва «Дало'илу-л-ийжоз» асарлари**

Абдулқоҳир ибн Абдурахмон ибн Муҳаммад абу Бакр ал-Журжоний балоғатнинг маъоний ва баён илмлари, аруз илми, Қуръон илмларини яхши билган. Бу олим лингвист-грамматистлар орасида пешқадам ҳисобланган. Унинг, масалан, сарфга оид «Ал-ъумда фи-т-тасриф», наҳвга оид «Ал-авамили-л-миъа фи-н-наҳв», арузга оид «Китоб фи-л-аруз» ва Қуръон илмига оид «Шарҳу-л-Фотиҳа» асарлари бунинг далилидир.

Унинг «Асрору-л-балоға» асари баён илмига бағишланган. Балоғат илми олимлари бу китобни баён илмига бағишланган энг яхши асар эканини эътироф этганлар.

Журжоний ўз асарида калом масаласига алоҳида тўхталади. У каломнинг инсонга берилган юксак неъмат эканини балоғат билан илмий асосда тушунтиради, у калом бўлмаса, инсоннинг атроф-муҳитдан олган таъсири натижасида ҳосил бўладиган билимлари намоён бўла олмаслиги, оқил ақлининг гуллари ўз чиройини намоён қила олмаслиги, ўрганганлари фойдали ёки фойдасиз эканини била олмаслиги, яхши-ёмоннинг фарқи қолмаслигини айтади. Журжоний буларнинг сабабини ҳам тўғри кўрсатиб беради, яъни калом бўлмагач, ҳислар жимод (ноорганик моддалар) мартабасига эга бўлиб қолади, инсон ташқи оламни идрок қила (боғлана) олмайди, қалб (руҳият) қабул қилиши мумкин бўлган нарсаларга «ёпиқлигича қолади», мазмун-моҳиятлар ўз мавзу (объект)лари ичида «банди бўлади», туғма қобилиятлар тўғри йўналмайди, ақл-идрок бошқаришдан йироқ бўлиб, иймондан қуфрни, яхшидан ёмонни ажрата олмайди, мадҳу зийнат, таъкику илҳом орасидаги фарқни кўрсатиб беришга кодир бўлмайди (36, 13).

Журжоний юқорида келтирилган фикрлари орқали каломнинг инсон ҳаётидаги мавқеи, унинг борлиқ моҳиятини англашдаги муҳим вазифасини аниқ белгилаб берганини кўриш мумкин. Бу каломнинг дастлабки вазифаси бўлиб, унинг этик ва эстетик вазифалари ҳам мавжуд. Булардан калом эстетикасига оид масалалар Журжоний ва ундан кейинги олимлар томонидан балоғат илмига жамланган.

«Асрору-л-балоға»да тилнинг тизим экани ва унинг таркибий бўлаклари ҳам ўзига хос тизимга эга экани кўрсатиб берилган. Журжоний шундан келиб чиқиб, балоғатли калом тизимини ҳам кўрсатиб беради. У балоғат гўзаллиги лафзда ҳам, маънода ҳам эмас, балки калом тизимида экани ва бу тизим услуб, жумла тузилиши, ийжоз ва итнобнинг ўрни, каломнинг ҳолат тақозосига мос бўлиш заруратини ўз ичига олишини таъкидлайди, ҳар бир бўлакнинг хоссаларини тавсифлаб беради.

«Асрору-л-балоға»нинг асосини калом балоғатини таъминлашга хизмат қиладиган тажнис, истиора, ташбиҳ ва тамсил ҳақида баҳслар ташкил қилади. Асарда, жумладан, ташбиҳнинг турлари ва фарқлари, ташбиҳ ва истиора орасидаги фарқ, ҳақиқат ва мажознинг чегараси, ақлий ва луғавий мажоз, мажознинг турлари каби масалалар кўрилган. Журжонийдан кейинги олимлар тажнисни баён илми таркибига эмас, бадиъ илмига киритиб ўрганганлар.

Бу асар тилшунослик тарихида унда илк бора тилнинг тизим эканлиги масаласи кўтарилгани билан ажратиб туради ва Журжонийнинг бу меҳнати кейинчалик Европа олимлари томонидан ҳам юқори баҳоланди.

Журжонийнинг «Дало'илу-л-иъжоз» асари маъоний илмига оид масалаларни ўз ичига олган. У ҳазф ва унинг жозибаси боби, фасл ва васл боби, лафз ва назм боби, қаср ва ихтисос боби, иъжоз, фасоҳат, балоғат ҳақидаги тахрирдан иборат.

Асарда шеър ҳақида фикрлар ва набий (САВ)нинг шеърга муносабатлари баён қилинган. Шунингдек, фасоҳат ва балоғат, Қуръон иъжози, маънога кўра калом тизими, унинг синтактик таркибга мослиги, киноя ва мажоз каби лафзлар, киноя, истиора ва тамсилнинг ҳақиқатдан афзаллиги, сўроқ, инкор мазмунларини ифодалаш каби масалалар ҳам таҳлил қилинган.

Журжоний асарларининг қисқача мундарижасидан маълум бўлдики, бу асарлар ўзидан олдингиларини кўп жиҳатдан такомиллаштирган ва ўз даврида маълум бўлган балоғат масалаларини бир асарга жамлаган. Журжоний бу фаолияти билан балоғат илмининг кейинги ривожига муносиб ҳисса қўшган.

Демак, Журжоний «Асрору-л-балоға» ва «Дало'илу-л-иъжоз» асарлари билан балоғат илмининг шаклланишига бекиёс ҳисса қўшди. Унинг асарларида балоғат илмининг таркиби тугал шаклга келтирилмаган бўлса-да, унча бўлган кўпгина асарлардан фарқ қилади.

#### **Юсуф Саккокийнинг «Мифтоҳу-л-улум» асари**

XII асрга келиб Юсуф Саккокий «Мифтоҳу-л-улум» асарида балоғат илмини изчил назария даражасига кўтарди. Маълумотларга қараганда, бу олим 1160/555 х. йил Хоразмда туғилиб, 1229/626 х. йил Фарғона водийсидаги қадимий Олмалиқ шаҳрида вафот этган (31, 893–894). Юсуф Саккокий бир муддат Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200–1219) саройида Гурганжда хизмат қилгани, мўғуллар истилосидан сўнг Чигатой улусига асос солган Чингизхоннинг (в.э. 1227) ўғли Чигатойхон ҳузурида Олмалиқ шаҳрида ижод қилгани ҳақида ҳам маълумотлар учрайди.

Абдулқоҳир Журжонийдан сўнг Юсуф Саккокий «Мифтоҳу-л-улум» асарида ўзига баён этилган маълумотларни қайта кўриб чиқди ва бобларни тартибга келтирди.

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, Юсуф Саккокий «Мифтоҳу-л-улум» асарига тил ва адабиёт билан чамбарчас боғлиқ барча масалаларни киритган. Булар: сарф (морфология), наҳв (синтаксис), маъоний ва баён, бадиъ (бадий санъатлар), аруз, қофия илмлари.

Юсуф Саккокий ўз асарининг «маъоний ва баён илмлари ҳақидаги» қисмида унча бўлган асарларда тарқоқ ҳолда бўлган ва балоғатнинг асосини ташкил қилувчи бўлимларни тартиб билан келтиради ва уларни «илму-л-маъоний», «илму-л-баён» деб номлайди. Биринчи фасл – маъоний илми бешта бобга ажратилган ва улар «Биринчи боб истак ҳақида», «Иккинчи боб сўроқ ҳақида», «Учинчи боб буйруқ ҳақида», «Тўртинчи боб инкор ҳақида» ва «Бешинчи боб нидо (ундалма) ҳақида» деб аталган.

Иккинчи фасл – баён илми таркибига ташбиҳ, мажоз, истиора, киноя масалалари киритилган.

Сўнгра Юсуф Саккокий тилнинг латиф ва жозибали бўлишига хизмат қилувчи бадий воситалар – маъновий санъат турлари тибок, муқобала, мушокала, мароъату-н-назир, музоважа, лафф ва нашр, жамъ, тафриқ, тақсим, ал-жамъ маъа-т-тафриқ, ал-жамъ маъа-т-тақсим, ийҳом, тавжих, илтифот, лафзий санъатлардан тажнис, иштиқоқ, радду-л-ажз ила-с-садр, қалб, сажъ, тарсиъ турлари ҳақида баҳс юритади, ҳарфларнинг шакллари билан боғлиқ санъатларни ҳам таъкидлаб ўтади.

Айтиб ўтилганидек, Саккокийдан кейинги олимлар бу асардан кейин балоғат илми ҳақида ҳеч ким мустақил асар яратмагани ва олимлар Саккокийнинг фикрларига эргашганларини таъкидлайдилар.

М.Г. Кулиеванинг фикрича, Юсуф Саккокий мазкур асари билан балоғат илмини «мантқиқий грамматик йўналиш»га олиб ўтган (14, 153).

Карл Броккельман «Тариху-л-адаби-л-арабий» асарида «Мифтоҳу-л-улум»нинг учинчи қисмига шарҳ ёзган олимларнинг номларини санаб ўтади (7). Булар: Алий ибн Умар ал-Котибий (/1276/675 х.); Қутбиддин Маҳмуд ибн Масъуд ибн Муслиҳ аш-Широзий (/1310/710 х.); Алий ибн Муҳаммад ибн Дихқон Алий ибн Аби Бакр ибн Алий ан-Насафий (1318/718 х.); Яхё ибн Аҳмад ал-Коший (1349/750 х.); Саъд Султон Шоҳ (1382/784 х. дан олдин); Саъдуддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний (в.э. 1389/791 х.).

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида «Мифтоҳу-л-улум»нинг биттагина қўлёзмаси 7843/IV рақами остида сақланади (23, 54).

Бу қўлёзма 1813 йилда Муҳаммад Ашур ибн Қурбон Муҳаммадий Кулобий томонидан қўчирилган. Матн хунук настаълиқ хатида қора сиёҳ билан ёзилган. Қўлёзма 15Х25 ўлчамда 163 варақдан иборат, асарнинг бошланиш қисми йўқолган.

Журжоний ва Саккокий асарларининг қисқача мундарижасидан маълум бўлдики, биринчи асар ўзидан олдингиларини кўп жиҳатдан такомиллаштирган ва ўз даврида маълум бўлган балоғат масалаларини бир асарга жамлай олган, уларни таснифлаган. Журжоний бу фаолияти билан балоғат илми ривожига сезиларли таъсир кўрсатган (20). «Асрору-л-балоға» ва «Дало'илу-л-иъжоз»дан кейин яратилган «Мифтоҳу-л-улум» асари балоғат илми таркиб жиҳатдан тўлдирилгани, таснифнинг чуқур илмий асосга эгаллиги билан олдингиларидан тубдан фарқ қилади ва бу илмнинг ўша даврда такомилга етганидан дарак беради. Юсуф Саккокийнинг бу асари ханузгача балоғат илмининг шоҳ асари бўлиб келмоқда.

#### **Жалолиддин Қазвиний ва Саъдуддин Тафтазонийнинг балоғат илми ривожига қўшган ҳиссаси**

Жалолиддин Қазвиний (1267–1268/1338–1339) араб тили грамматикаси, балоғат, фикҳга оид асарлар ёзган олимлардан ҳисобланади. У Қоҳира ва Дамашқда қози бўлган, дамашқлик хатиб номи билан ҳам машҳур.

Жалолиддин Қазвиний «Мифтоҳу-л-улум» асарининг балоғат илми бўлимига «Талхису-л-Мифтоҳ», «Изоҳ фи улуми-л-балоға деб номланган қисқартма ва шарҳ ёзган. Кейинроқ эса Саъдуддин Тафтазоний (в.э. 792/1390) бу асарни шарҳлаб, «Шарҳу Талхиси-л-Мифтоҳ» деб номлаган.

«Талхису-л-Мифтоҳ» Жалолиддин Қазвинийнинг балоғат илмига бағишланган мўъжаз асаридир. У қўлланма тарзида ёзилгани учун ҳам балоғатга доир энг кўп тарқалган китоб ҳисобланади. Унинг кўплаб қўлёзма нусхалари ва нашрлари мавжуд бўлиб, ҳозиргача олимлар эътиборини жалб этиб келмоқда. Асар 1815 йил Калькутта ва 1844 йил Истанбул, 1884 (1885) йил Байрутда нашр қилинган (33).

Қазвиний мазкур асарида дастлаб «фасоҳат» ва «балоғат» тушунчаларини изоҳлаб беради. Жумладан, у сўзловчи фасоҳати, каломдаги балоғат масалаларини ёритган. Сўнгра балоғатнинг асосини ташкил қилувчи «илму-л-маъоний», «илму-л-байон» ва «илму-л-бадиъ» каби бўлимларни келтиради. Бу учта катта бўлим «ал-фанну-л-аввал» («биринчи санъат»), «ал-фанну-с-соний» («иккинчи санъат») ва «ал-фанну-с-солис» («учинчи санъат») деб бошланган.

Биринчи бўлим — маъоний илми саккиз бобга ажратилган ва улар «ал-бобу-л-аввал», «ал-бобу-с-соний» тарзида аталган. Чунончи, «ал-бобу-л-аввал аҳволу исноди-л-хабарий», «ал-бобу-с-соний аҳволу-л-муснад илайҳ». Маъоний илмининг кейинги таркиби муснад, қаср, иншо, фасл ва васл, ижоз, итноб, мусовот каби боблардан иборат.

Иккинчи бўлим — байон илми таркибига ташбиҳ, ҳақиқат ва мажоз, истиора, киноя масалалари киритилган. Масалан, ташбиҳга бағишланган

қисмда унинг мушаббах, мушаббах биҳи каби рукнлари, «ҳақиқат ва мажоз»да мажознинг муфрад, мурсал турлари баён қилинган.

Учинчи бўлим — бадиъ илми ҳақида бўлиб, унда «ал-муҳассиноту-лмаъновиййа» ва уни ташкил қилувчи тибок ва тавжих, «ал-муҳассиноту-лафзиййа» ва унинг таркибига қирувчи жинос, сажъ, шунингдек, ҳусну-таълил ҳақида баҳс юритилган. Қазвиний ҳар бир масалани ёритишда унинг барча турлари ва жиҳатларини санаб ўтади (33).

«Изоҳ фи улуми-л-балоға» асари ҳам «Талхису-л-Мифтоҳ» каби мундарижага эга. Бу асарда Қазвиний балоғатга оид тушунчаларга изоҳ беради, шунингдек, бадиъ бўлимида ҳар бир санъатнинг барча турлари ва жиҳатларини мисоллар ёрдамида кўрсатиб ўтади.

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида «Талхису-л-Мифтоҳ»нинг 32 та қўлёзма нусхаси мавжуд. Улар настаълиқ хатида кўчирилган. Аксарияти тўлиқ эмас. Бу қўлёзмаларнинг кўпи XVIII аср охири — XIX асрга мансуб. Улар ичида котиблардан Нур Муҳаммад (1854), Муҳаммад Осимхон, Шох Ниёз ибн Аваз Муҳаммад, Саййид Фозил Хожа, Абдурраҳмон ибн Холбой (1798), Муҳаммад Собир ибн Мулла Қурбон кўчирган қўлёзмалар бор.

ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар фондида «Талхис»нинг 4 та қўлёзма нусхаси сақланади (11, 228). Уларнинг учтаси насх, қолганлари настаълиқ хатида кўчирилган. Энг қадимий қўлёзма 1319/719 х. йилга мансуб бўлиб, насх хатида ёзилган 402 рақам остида сақланувчи нусхадир. Қолган нусхалар XIX асрда кўчирилган. Улардан бирида котиб Мулла Мирза Калон Мир Толиббой номи зикр қилинган.

Темурийлар даврида Саъдуддин Тафтазоний (1322–1392) томонидан Жалололиддин Қазвинийнинг «Талхису-л-Мифтоҳ» асарига шарҳ ёзилиши бу обиданинг Ўрта Осиё илмий-маърифий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлганини кўрсатади. Асар «Шарҳу Талхиси-л-Мифтоҳ» деб номланади. олимларни ўз пойтахтида жамлашни мақсад қилган Амир Темури Ироққа юриши вақтида Саъдуддин Тафтазонийни Самарқандга олиб келган эди (6; 16).

Тафтазоний ҳаёти давомида 40 дан зиёд асар ёзиб қолдирган бўлиб, улар орасида «аш-Шарҳ ал-Мутаввал» асари Қазвинийнинг «Талхису-л-Мифтоҳ» асари шарҳидан иборат. Бу шарҳ талабалар учун энг муҳим қўлланмалардан бири бўлган «Талхис»ни янада соддароқ усулда тушунтириш мақсадида битилган. Ушбу асарда «Талхису-л-Мифтоҳ» анча кенг шарҳланган, шу сабаб унинг ҳажми анча ортиб кетган. Шунинг учун бўлса керак, Тафтазоний «Талхису-л-Мифтоҳ» асарига бир оз лўнда ва қисқа шаклда иккинчи марта шарҳ ёзган. Бу шарҳ тили биринчисига қараганда анча содда ва тушуниш осон. У «аш-Шарҳ ал-мухтасар» деб номланади.

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида «Шарҳ Талхиси-л-Мифтоҳ» нусхалари 22 та бўлиб, улар XVI-XVII асрларда кўчирилган. Қўлёзмаларда котиблардан: Ибн Муҳаммад Рафиъ Муҳаммад Рафиъ (1679), Муҳаммад ибн Усмон (1568), Назар Муҳаммад Ҳайдар ибн Мавлоно Мақсуд (1584), Ибодуллоҳ Жомийнинг номлари зикр қилинган.

ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар фондида «Шарҳ Талхис»нинг 2 та қўлёзмаси сақланади (11, 229). Уларнинг бири 1577/985 х. йилда, иккинчиси XVIII-XIX асрда кўчирилган. Иккинчисида котиб Ибодуллоҳ Муҳаммад Саъд ибн Хожа Саъид Ўратепайи номи келтирилган.

Бизнинг давримизгача «Мифтоҳу-л-улум» қўлёзмаларининг кам нусхаси (4, 115), лекин унга ёзилган «Талхис» ва «Шарҳ» қўлёзмаларининг кўпгина нусхалари етиб келган. Уларнинг кўплаб нусхада кўчирилгани ўқув даргоҳларида балоғат илмининг ҳам араб наҳви ва сарфи каби кенг миқёсда ўқитилганидан далолат беради.

#### **Форс ва туркий тилларда балоғат илмига доир асарлар**

Араб тилида яратилган асарлар араб, форс, туркий халқлар орасида кенг тарқалди, шуҳрат қозонди, форсий ва туркийда балоғат илмига доир илмий

асарлар яратилишига асос бўлди. Булар қаторига Муҳаммад ибн Умар Родиёнийнинг (XI аср) «Таржумону-л-балоға», Рашидиддин Ватвотнинг (в.э. 1182/1183) «Ҳадойику-с-сихр фи дақойиқи-ш-шиър, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг «Бадойиъу-с-санойиъ, Аҳмад Тарозийнинг (XIV–XV асрлар) «Фунуну-л-балоға» асарларини киритиш мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, бу асарларнинг ҳар бири таркиб ва тартиб жиҳатдан ўзига хос бўлиб, Юсуф Саккокийдан кейинги муаллифлар, албатта, унинг асарига қайта-қайта мурожаат қилдилар, ундаги маълумотларга нисбатан ижодий муносабатда бўлдилар.

Масалан, илмий фаолиятини туркий халқлар адабиётини ўрганишга бағишлаган И.В. Стеблева Ўрта Осиёда қорахонийларнинг ҳукмдорлиги, улар билан бирга ислом дини орқали араб тили ва ёзувининг кириб келиши (X аср ўрталари) туркий халқлар маданияти ривожини учун янги шароит яратганини таъкидлайди. У XI аср охирига келиб назмда шакл ва мазмун жиҳатдан ислом қадриятларига хос бўлган асар яратилганини ва туркий тиллар адабиётининг мумтоз даври бошланганини қайд этади. Бу давр ижодининг ўзига хос хусусияти айнан шу даврдан бошлаб асарларда вазн, қофия ва шеърини санъатларнинг араб-форс назариясига мувофиқ тарзда қўллангани билан характерланади (25, 5–6).

Н. Ю. Чалисованинг таъкидлашича, форс тилида пайдо бўла бошлаган асарларда бадиий санъатлар таркиби араб тилидагиларидан фарқ қилган (28, 71). Д. Ф. Загидуллина айнан шу асарлардан Волгабўйи ва Уралбўйи ҳудудларида ўқув қўлланма сифатида фойдаланилгани; турк-татар адабиётининг назарий асослари шу асарларда экани; татарлар XX аср бошларигача бадиъга оид асарларда қўлланган истилоҳлар тизимидан фойдаланганлари, уларнинг адабиёт назариясига оид дастлабки китобларида форс назарийчилари ишлаб чиққан бадиий санъатлар тизими қўлланилганини ёзади (9, 50). Худди шу фикрларни МДХ ҳудудида яшовчи барча туркий халқлар адабиёти, жумладан, ўзбек адабиётига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Форс тилида бадиий санъатларга бағишланган дастлабки асар – «Таржумону-л-балоға»ни Муҳаммад ибн Умар Родиёний яратди. Тарихий манбаларда Муҳаммад Умар Родиёний тўғрисида маълумотлар учрамайди. Муаллифнинг бизгача етиб келган ягона асари «Таржумону-л-балоға» асари тахминан XI асрнинг 80-йилларида ёзилган. Асар Рашидиддин Ватвотнинг «Ҳадойику-с-сихр фи дақойиқи-ш-шиър», Ёқут Ҳамавийнинг «Муъжаму-л-удабо», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкирату-ш-шуаро», Ҳожи Халифанинг «Кашфу-з-зунун», Лутфалибек Озарнинг «Оташкада», Ризоқулихон Ҳидоятнинг «Мажмаъу-л-фусаҳо» асарларида тилга олинган (5, 245).

«Таржумону-л-балоға»га 77 та санъат киритилган. Улардан иътироз, тафриқ, тафсир, илтифот, ташбиҳ, киноя, истиора, тансиқу-с-сифот каби бир қанча санъатлар таърифлари билан XX аср бошларидаги дарсликларга киритилган ва ҳозирги кунда ҳам мумтоз филологлар томонидан қўлланилади. Асар манбаи Марғиноний, Исфахоний ва Ибн аль-Муътазнинг араб тилида ёзилган асарлари бўлган (9, 50). Умар Родиёний ўз асарида назарий фикрларнинг исботи тариқасида, араб тилидаги асарлардан фарқли равишда, форс тилининг бадиий имкониятларини яққол кўрсатиб берувчи шу тилнинг ижод маҳсулларидан мисоллар келтиради. Олимлар бу асар форс тилида шу турда яратилган кейинги асарлар учун асос бўлганини таъкидлайдилар.

Форс тилида яратилган асарлардан яна бири «Ҳадойику-с-сихр фи дақойиқи-ш-шиър» (35) («Шеър нафосатининг сирли боғлари») рисоласидир. Унинг муаллифи Рашидиддин Ватвот (1080-1177), «тўғлиқ номи Саъдилмулк Рашидиддин Муҳаммад бинни Муҳаммад Абдулжалил Умарий Котиб Балхий бўлиб, Ватвот адабий тахаллусидир. Ёқут Ҳамавий, Алоуддин Жувайний, Закариё Қазвиний ва Давлатшоҳ Самарқандийнинг тарих ва тазкираларида у ҳақда маълумот бор» (5, 255).

«Ҳадойику-с-сихр фи дақойиқи-ш-шиър» 55 бобдан иборат. Ҳар бир боб алоҳида бир санъатга ёки унинг турига бағишланган бўлиб, унда сўз санъати ёки турининг таърифи, таърифга изоҳ ҳамда арабча, сўнгра форсча мисоллар



келтирилган. Муаллиф киноя, таъриз каби маъновий санъатларни тушириб қолдирган.

Ажам халқлари орасида балоғат илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшган асар — Алишер Навоийнинг замондоши ва устози Атоуллоҳ Ҳусайний томонидан 1493 йил 9 февралда форс тилида яратилган (18, 5) «Бадойиъу-с-санойиъ» («Бадийи санъатлар»)дир. Муаллиф бу асарини яратишда фақат араб балоғат илми олимлари фикрларига таяниб қолмай, форсийда мавжуд бўлган маълумотларни жамлади, тартибга солди, фикр ва қарашлари билан балоғат илмини ривожлантирди. Бу асарнинг ўзига хос хусусияти у ҳақда кенгрок тўхталиб ўтиш имконини беради.

«Бадойиъу-с-санойиъ»да балоғат санъатларининг ўша давргача мавжуд бўлган форсий асарлар ва «Мифтоҳу-л-улум» ёки бошқа араб манбаларида учрамайдиган услубда таснифланиши унинг муҳим илмий аҳамиятга эга бўлган хусусиятидир.

Атоуллоҳ Ҳусайний балоғат илмларини араб балоғатшунослари каби маъоний, баён ва бадий эмас, балки лафзий гўзалликлар, маъновий гўзалликлар, лафзий-маъновий гўзалликлар тарзида гуруҳлайди.

Юсуф Саккокий лафзий санъатларга балоғатнинг бадий қисмига кирувчи тажнис, радду-л-ажз ила-с-садр, қалб, сажъ, тарсий санъатларини киритган бўлса, Атоуллоҳ Ҳусайний юқоридаги лафзий санъатлар қаторини бойитиб мумосила, таштир, тасмит, тааттуф, ташриъ, тавших, макру ба азму наср, макру-л-луғатайн каби санъатларнинг ҳам таърифини беради.

Араб балоғатида маъновий санъатларга бадий қисмга кирувчи тибок, муқобала, мушокала, музоважа, лафф ва нашр, жамъ, тафриқ, тақсим, жамъ маъа тафриқ, жамъ маъа тақсим, жамъ маъа тафриқ ва тақсим, ийҳом, тавжих, иститбоъ, илтифот ва бошқа санъатлар киради (32, 200–202). Атоуллоҳ Ҳусайний бу санъатларни араб балоғатшуносларидан фаркли равишда икки турга бўлади.

Ҳусайний араб балоғатида «ал-муҳассиноту-л-маъновиййа» гуруҳига мансуб бўлган санъатларнинг айримлари, масалан, ийҳом, тавжих, иститбоъ, илтифот, тафриқ, тақсим санъатларини биринчи турга киритади. Иккинчи турни Атоуллоҳ Ҳусайний ўзи таъкидлаганидек, араб балоғатида баён илми санъатлари деб ҳисобланадиган ташбих, истиора, киноя ташкил қилади.

Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг балоғат санъатлари таснифи борасидаги яна бир муҳим янгилigi унинг калом гўзаллигига эришишда лафзий ва маъновий хусусиятлар биргаликда иштирок этувчи санъат турларини ажратиб алоҳида туркумга бирлаштирганидир. Араб балоғатшунослари бу санъатларнинг айримларини, масалан, мутобақа (тибок), тадбиж, муқобала, мароъату-н-назрни маъновий санъатлардан ёки тафвиф, музоважани лафзий санъат деб ҳисоблаган эдилар.

Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг балоғат илми ривожига қўшган юксак хизматларидан яна бири, унинг ҳар бир санъатнинг мазмун ва моҳиятини ёритиб беришида намоён бўлади. Бу борада у араб ва ажам олимларининг таъриф ва тавсифларини диққат билан ўрганиб, таҳлил қилган ҳолда моҳир балоғатшунос сифатида баҳс юритади. Мисол тариқасида сажъ ҳақида куйидаги парчани келтириш мумкин: «Арабият аҳлининг бир тоифаси наздида насрға хосдур ва бу тоифа сажъни наср фосилаларининг охириги ҳарфта мувофиқлиғидин иборат деб билиптурлар. Фосиладан мурод ул сўздирким, анинг туфайлидин калом қаринлари, яъни бўлаклари бир-биринин айрилиб тургай. Бу санъатта, қаерда зикр этилмасун, охириги ҳарфтин мурод сўз ўзагидаги қофия равийси янглиг амалда бўлган охириги ҳарф ёки ўшул ҳарфқа ўхшаш ўзга бир ҳарфтур. Ўзга бир тоифа наздида назмда ҳам жорийдур» (3, 62). Асарда араб ва бошқа балоғатшунослар фикрларидаги ўхшашлик ва тафовутлар аниқ кўрсатилган, мавжуд назарий қарашлар ривожлантирилган.

«Бадойиъу-с-санойиъ»да санъатлар таърифи ва таснифининг араб олимлари асарларидан фарқ қилиши, таркибга янги санъат турларининг киритилиши балоғат илми мавқеини янада юксалтирди.

Араб ва форс тилларида ёзилган бундай асарлар туркий халқларда ҳам

катта кизиқиш уйғотди ва XV асрга келиб Шайх Аҳмад Тарозий туркийда бадий санъатларга бағишланган «Фунуну-л-балоғат» (29) («Балоғат санъатлари») (1436–1437) асарини яратди. У ўзидан аввалги олимлар билан баҳс юритмаса-да, бадий воситалар таърифи ва уларнинг бир қанчасига келтирилган араб ва форс тилларидаги мисоллар унинг шу тилларда ёзилган балоғатга оид асарларга ҳам таянганини кўрсатади. Бу асар ҳақида уни «оддий бир илмий асар деб бўлмайди. У ўзбек тилидаги биринчи илмий асар, адабиётнинг назарий масалалари бўйича мукамал бир қўлланма бўлиши билан бирга яна шеърий тазкира характеридаги бир асардир» (Tagoziy, Ahmad, 1996, p.24) деган эди қўлёзма нусхаси Англияда сақланаётган «Фунун-л-балоғат»нинг тадқиқи билан шуғулланган олим А. Ҳайитметов.

Асар муқаддима билан бошланади. Биринчи қисм шеър турлари ҳақида, иккинчи қисм қофия ва радифга бағишланган, учинчи қисм шеър санъатлари ва тўртинчи қисм аруз ҳақида. «Фунун-л-балоғат»нинг балоғатга оид учинчи қисмида бадий санъатлар ва уларнинг таърифи махсус тасниф қилинмай тартибланган. Мисоллар асосан ўзбек тилида, ўрнига қараб форс ва араб тилларида берилган.

Турк олимлари Т. Карабей ва М. Аталай илк туркча балоғат китоби Исмоил ибн Аҳмад Байрамий Анқаравий (в.т. 1631/1041 х.)нинг «Мифтоҳу-л-балоғат ва мисбоҳу-л-фасоҳат» (1, VII; 26, 467–477) («Балоғат очкичи ва фасоҳат чироғи») асаридир, дейдилар. Бу асар 218 саҳифадан иборат бўлиб, 1832 йилда Қоҳирада чоп этилган.

Туркча «Балоғат-и Усманийя» («Усмонлича балоғат») китоби (1) Усмонли Турк давлат арбоби, тарихчи ва ҳуқуқшунос олим ҳамда ёзувчи Аҳмад Жавдат Пошо (1822–1895) томонидан ёзилган бўлиб, биринчи бор Истанбулда 1881 йилда нашр қилинди. «Балоғат-и Усманийя»нинг тузилиши араб олимлари услубига мос бўлиб, дебеча, муқаддима, уч боб ва хотимадан иборат. Муқаддимадан фасоҳат, балоғат, калима фасоҳати, танофур-и ҳуруф, матн каломи каби масалалар ўрин олган. Биринчи боб маъоний илмидаги каби «калиманинг муқтадо-йи ҳолга мутобақати ҳақида» бўлиб, ўз ичига муқаддима ва етти фаслни олади. Бу фасллар: 1) аҳвол-и муснад илайҳ баёнида; 2) аҳвол-и муснад баёнида; 3) мутаммот-и жумла баёнида; 4) иснод-и хабарий баёнида; 5) иншо баёнида; 6) алфознинг атфу рабтига доир; 7) ийжоз ва итноб ҳақида. Иккинчи боб ҳам муқаддима билан бошланади ва баён илмидаги каби мажоз-и аклий, мажоз-и мурсал, ташбих, истиора ва киноя баёнларидан иборат беш фаслни ташкил этади. Учинчи боб бадий санъатлар ҳақида бўлиб, унинг аввалги фаслида маъновий, иккинчисидан лафзий санъатлар, учинчи фаслда кўшимчалар, сўнгги фаслда тарих санъатига доир маълумотлар берилган. Асарда кўрилган барча масалалар Усмонли туркчасига татбиқ этилган, шунга кўра мисоллар ҳам туркча, зарур ўринларда арабча келтирилган. «Балоғат-и Усманийя» 1881–1910 йиллар ичида етти марта нашр қилинган. Бу асарга Ҳожи Иброҳим Афанди шарҳ (8, 322) ёзган ва уни 1884 йилда нашр қилган.

Араб тилида мавжуд бўлган тил ҳодисалари билан боғлиқ имкониятлар воситасида ҳосил бўлувчи балоғат илмининг назарий асослари шу тариқа шаклланди, бошқа шарқ мусулмон халқлари орасида машҳур бўлди.

Балоғат илмининг ривожини шарқ халқлари, жумладан, форс ва туркий халқлар ижодига ҳам ижобий таъсир кўрсатди ва ўрта асрларда бу илм қоидаларига асосланиб, унинг санъатларини моҳирона қўллаган ҳолда яратилган кўплаб адабий асарлар ёзилди. Туркийда ижод қилган мумтоз адабиёт намояндalarининг бадий асарлари орқали уларнинг балоғат илмини жуда яхши ўзлаштирганларини кўраимиз. Бу борада Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ижодига берилган баҳо яхши мисол бўла олади: «Албатта, Бобур ғазалларида, ҳатто мавзулар бир хил бўлган тақдирда ҳам турли тимсоллар ҳисобига хилма-хилликка эришилгани унинг барча мумтоз давр туркийзабон шоирлар каби анъанавий образларни араб ва форс классик шеърятидан олганини инкор қилмайди. Бу даврда ижод қилган ҳар бир шоир нимани нима билан қиёслашни жуда яхши билган» (24, 43).

Бу асарларда тил қоидаларига қатъий риоя қилиш билан бирга бадий

санъатлардан ҳам усталик билан фойдаланилган. Чунки балоғат илми асарда тил қоидаларига риоя қилинган бадий воситаларнинг бир-бирига салбий таъсир кўрсатмаслиги, ортикча сўз ва гап бўлакларини тушириб қолдириш ҳисобига мўъжазликка эришиш, оз сўз билан кўп маъно ёки оз маънони тафсилотлар билан ифодалашни ўргатади.

«Бадий асарда ҳақиқат ҳам, унинг ифода воситалари ҳам бадий тус олади» (19, 30–31). Бу борада биргина Алишер Навоийнинг ҳам насрда, ҳам назмда ёзилган деярли барча асарларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Балоғат илми нафақат бадий, балки асрлар оша яшаб келаётган фалсафий ва дидактик асарларни яратишда ҳам муҳим асослардан бири саналган. Чунки балоғат илми асарларда ижтимоий аҳамиятга молик юксак фикрларни олий бадий шаклда бера олиш имконини яратувчи омиллардан биридир.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўтмиш олимлари ва адиблари асарларини машхурлик даражасида яратишларига хизмат қилган балоғат илмига оид кўп манбалар ўзбек олимлари томонидан махсус ўрганилмаган.

**Хулоса.** Балоғат илмида каломни вазият, тингловчи ҳолати ва мавзуга мос равишда аниқ маънога эга, осон тушуниладиган, равон айтиладиган ва сарфу наҳв қоидаларига мос тушадиган сўзлар орқали сўзлаш ва ёзиш ўрганилади. Бу ерда каломнинг «вазият, тингловчи ҳолати ва мавзуга мос» бўлиши ҳолат тақозосининг талаби, сўзнинг «аниқ маънога эга, осон тушуниладиган, равон айтиладиган ва сарф қоидаларига мос тушадиган» бўлиши лозимлиги фасоҳат талабидир.

Балоғат илми араб тили доирасида мустақил вужудга келган ва ривожланган.

Абдулқоҳир Журжоний тилнинг тизим экани, унинг таркибий бўлаклари, жумладан, калом ҳам ўз тизимига эга экани, маъно ва шакл бирлиги каби тилшунослик масалаларини ёритиб берди.

XII асрга келиб Юсуф Саккокий «Мифтоҳу-л-улум» асарида балоғат илмини изчил назария даражасига кўтарди.

Балоғат илми араб дунёси билан чегараланмай, форслар ва туркий халқлар томонидан ҳам ўзлаштирилди. Атоуллоҳ Хусайний форс тилида ёзилган «Бадойиъу-с-санойиъ» асарида бу илми ўз изланишлари асосида ривожлантирди ва назарий фикрлари билан бойитди. Туркийда «Фунуну-л-балоға» ва «Балоғат-и Усманийя» асарлари яратилди.

Ўрта асрлардан бошлаб араб, форс, турк халқлари орасида балоғат муҳим мавқега эга бўлган илмлар қаторидан ўрин олди. Олимлар бу илмнинг ривожланиши ва ўзлаштирилишига катта эътибор бердилар, уни ўқув дастурларига ҳам киритдилар.

Балоғат илми бадий, фалсафий ва дидактик асарларда муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фикрларни олий бадий шаклда бера олиш имконини яратувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ahmed Cevdet Paşa. Belâgat-ı ‘osmâniyye. Hazırlayanlar T.Karabey, M.Atalay. Akçağ, 2000.
2. Арифджанов З. Тилшуносликда функционал эквивалентлик (خواستن [xāstan] феъли функционал эквивалентлари мисолида). *Islom ziyosi*, 2020(1). — Б. 163–170.
3. Атоуллоҳ Хусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. Форсчадан Рустамов А. таржимаси. — Тошкент: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. — 398 б.
4. Bawden F., Catalogue of the Arabic, Persian and Turkish Manuscripts in Belgium. Volume 1. Handlist Part 1: UniversitÃ© de LiÃge — Leiden: E. J. Brill, 2016. — 564 p.
5. Болтабоев Х. Шарқ мумтоз поэтикаси. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. — 430 б.

6. Brockelmann C. Geschichte der Arabischen Literatur. Sb. 1–3. – Leiden: E. J. Brill, 1937. — 280 p.
7. Brockelmann C. Тарих ал-адаб ал-арабий. <http://encyc.reefnet.gov.sy/?page=entry&id=244870>
8. Dağlar A. Hacı İbrâhim Efendi'nin «Şerh-i belâgat»i (metin) // Turkish Studies International Periodical For the Languages, Literature and History of Turkish or Turkic. Volume 2/4 Fall – Ankara. 2007. 21 p.
9. Загидуллина Д. Ф. Влияние средневековой арабской и персидской науки балякать на татарское литературоведение // Ученые записки казанского государственного университета Науки, 2008. Т. 150, Кн. 8. – Казань. – С. 48–54. — URL: <file:///C:/Users/User/Downloads/vliyanie-srednevekovoy-arabskoy-i-persidskoy-nauki-balyagat-na-tatarskoe-literaturovedenie.pdf>
10. Islomov Z. Source studies analysis of manuscripts of “Muqaddimatu-ladab” in foreign archival funds. The Light of Islam, 2019. — № 4, — pp. 322–332.
11. Каталог рукописей государственного музея литературы им. А.Наваи. Т-1. — Ташкент: 2006.
12. Крачковский И.Ю. Поэзия по определению арабских критиков. Избранные сочинения. Т.2. — Москва: Ленинград, 1956. — 52 с.
13. Крачковский И.Ю. Ибн ал-Му‘таз. «Китаб ал-бади‘» // Избранные соч. Т. VI. Москва: Ленинград, 1960. — С. 131–134.
14. Кулиева М.Г. Вопросы теории арабской литературы на основе «Мифтах ал-улум» Ас-Саккаки. Дис. ... канд. филол. наук. — Баку, 1983. — 162 с.
15. Lutfullaeva D., Nasirova M., Sayidirahimova N., Nizomova. F., Shoaliev N. Pragmatic features of official texts and documents of the uzbek language. Anglisticum. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies, 9 (7), 2020. — pp. 27–34.
16. Мирафзалов М. Саъдуддин Тафтазоний ва балоғат илмлари // Шарк машъали. — Тошкент, 1996. № 1-2. — pp. 37–39.
17. Nasirova, M. Incomplete conjunction of words in the arabic grammar. The Light of Islam, — 2019(4), — №15. — pp. 116–122
18. Олимов С. Навоийнинг шеършунос шогирди. — Тошкент: Фан, 1990. — 57 б.
19. Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. — Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. — 216 б.
20. Rustamiy S. “Esasu-l-belaga” ve “Divan-u lugat-it-türk” eserlerinin dil bilimi ve belagat bilimiyle ilgili yönleri. Electronic Turkish Studies, 11(20). 2016. — С. 503-522. — URL: [https://turkishstudies.net/turkishstudies?mod=makale\\_tr\\_ozet&makale\\_id=19942](https://turkishstudies.net/turkishstudies?mod=makale_tr_ozet&makale_id=19942)
21. Rustamiy S., Nasirova, M., Sagdullaeva D. Scientific and theoretical content of the science of balâgat. Journal of Critical Reviews, 7 (6), – P. 132-137.
22. Рустамий С. Балоғат илмининг лингвоэстетик камолотда тутган ўрнига доир. Islom ziyosi, 2019, № 4. — Б. 110–116.
23. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том XIII. — Ташкент: 1954. —41 с.
24. Стеблева И.В. Семантика газелей Бабура. — М.: Наука, 1982. — 43 с.
25. Стеблева И.В. Тюркская поэтика. Этапы развития VIII–XX вв. — М.: Восточная литература, 2012. — С. 5–6.
26. Ülken F. İsmâil-i Ankaravî'nin Miftâhü'l-belâga ve Misbâhü'l-fesâha'sındaki istilahlr // Uluslararası Sosyal Araştırmalar Dergisi. Cilt: 9 Sayı: 43. Nisan 2016. — S. 467–477.
27. Фильштинский И.М. Арабская классическая литература (V-начало X века). — М.: Главная редакция восточной литературы, 1985. — 247 с.

28. Чалисова Н.Ю. Рашид ад-Дин Ватват и его трактат «Сады волшебства в тонкостях поэзии» /Рашид ад-Дин Ватват. Сады волшебства в тонкостях поэзии/ Пер. сперс. Н.Ю. Чалисовой. — М.: Наука, 1985. — 325 с.
29. Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балоға. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, газета — Тошкент: 1994 йил 18 март.
30. Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балоға. А.Ҳайитметов нашрга тайёрлаган. — Тошкент: Хазиана, 1996. — 24 б.
31. Heinrichs W.P. Al-Sakkaki // The Encyclopaedia of Islam. Vol. VIII. Ned - Sam. — Leiden: E.J.Brill, 1986. — P. 893–894.
32. 1937. بمصر أولاده و الحلبي النبابي مصطفى مطبعة. العلوم مفتاح. السكاكي يوسف يعقوب أبو.
33. الرابعة الطبعة. بيروت – العلوم إحياء دار. البلاغة علوم في الاضاح. القزويني الدين جلال. <http://www.shamela.ws>
34. 1953. بمصر العربي الكتاب دار. الخامسة الطبعة. للبلاغة الواضح المنهاج. عونى حامد.
35. أحمد تقديم، الشواربي أمين إبراهيم ترجمة. الشعر دقائق في السحر حدائق. وطواط الدين رشيد. 2009، ط 2، القاهرة، للترجمة القومي المركز، الخولي
36. لبنان – بيروت. البلاغة أسرار. الجرجاني القاهر عبد. 2002.
37. zaza@alwarraq.com البديع الكتاب: العباسي المعتز ابن محمد بن الله عبد.

### References

1. Ahmed Cevdet Paşa. Belâgat-ı ‘osmâniyye. Hazırlayanlar T.Karabey, M.Atalay. Akçağ, 2000.
2. Arifdjanov Z., *The Light of Islam*, 2020(1), pp. 163–170.
3. Atoullah Husayniy., *Бадойиъу-с-санойиъ. Badoyi 'u-s-sanoyi'*, Tashkent: literature and art publishing house named after Gafur Gulom, 1981, 398 p.
4. Bauden F., *Catalogue of the Arabic, Persian and Turkish Manuscripts in Belgium*, Vol. 1. Handlist Leiden: E. J. Brill, 2016, 564 p.
5. Boltaboyev H., *Sharq mumtoz poetikasi* (Classical poetics of the East), Tashkent: National Encyclopedia of Uzbekistan 2006, 430 p.
6. Brockelmann C., *Geschichte der Arabischen Literatur*, Leiden: E. J. Brill, 1937, 280 p.
7. Brockelmann C. Тарих ал-адаб ал-арабий, available at: <http://encyc.reefnet.gov.sy/?page=entry&id=244870>
8. Dağlar A., *Literature and History of Turkish or Turkic*, Volume 2/4, Ankara, 2007, 21 p.
9. Zagidullina D.F., *Scientific Notes of Kazan State University*, Kazan, 2008. pp. 48–54, available at: <file:///C:/Users/User/Downloads/vliyanie-srednevekovoy-arabskoy-i-persidskoy-nauki-balyagat-na-tatarskoe-literaturovedenie.pdf>
10. Islomov, Z. Source studies analysis of manuscripts of “Muqaddimatu-ladab” in foreign archival funds, *The Light of Islam*, 2019(4), pp. 322–332.
11. Katalog rukopisey gosudarstvennogo muzeya literaturi im. A.Navai. Vol. I, Tashkent, 2006.
12. Krachkovskiy I.Yu., *Poeziya po opredeleniyu arabskix kritikov* (Poetry as defined by Arab critics, Vol. 2.), Moscow: Leningrad, 1956, 52 p.
13. Krachkovskiy I.Yu., *Selected works*, Vol. 6, Moscow: Leningrad, 1960, pp. 131–134.
14. Kulieva M.G., *Voprosi teorii arabskoy literaturi na osnove «Miftax al-ulum» As-Sakkaki* (The theory of Arabic literature on the basis of "Miftah al-Uloom" As-Sakkaki), candidate's thesis, Baku, 1983, 162 p.
15. Lutfullaeva D., Nasirova M., Sayidrahimova N., Nizomova. F., Shoaliev N., *Anglisticum. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies*, No. 9(7), 2020, pp. 27–34.
16. Mirafzalov M., *Sharq mash'ali*, Tashkent, 1996, No. 1-2, pp. 37–39.
17. Nasirova M., *Islom ziyosi*, 2019(4), 15, pp. 116–122
18. Olimov S., *Navoiyning she'rshunos shogirdi* (Nevoi's poem-poet shogirdi), Tashkent: Science, 1990, 57 p.

19. Rustamov A. *Navoiyning badiiy mahorati* (Artistic skills of Navoi), Tashkent: Publishing house of literature and art named after Gafur Gulom, 1979, 216 p.
20. Rustamiy S., *Electronic Turkish Studies*, 11(20), 2016, pp. 503–522, available at: [https://turkishstudies.net/turkishstudies?mod=makale\\_tr\\_ozet&makale\\_id=19942](https://turkishstudies.net/turkishstudies?mod=makale_tr_ozet&makale_id=19942)
21. Rustamiy S., Nasirova M., Sagdullaeva D, *Journal of Critical Reviews*, 7 (6), pp. 132–137.
22. Rustamiy S., *Islom ziyosi*, 2019(4), pp. 110–116.
23. *Sobraniye vostochnix rukopisey Akademii nauk Uzbekskoy SSR. T. XIII.* (Collection of Oriental manuscripts of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR, Vol. XIII.), Tashkent, 1954, 41 p.
24. Stebleva I.V., *Semantika gazeley Babura* (Semantics of Babur's gazelles), Moscow: Science, 1982, 43 p.
25. Stebleva I.V., *Tyurkskaya poetika. Etapi razvitiya VIII-XX vv.* (Turkic poetics. Stages of development of the VIII-XX centuries), Moscow: Oriental literature, 2012, pp. 5–6
26. Ülken F., *İsmâil-i Ankaravî'nin Miftâhü'l-belâga ve Misbâhü'l-fesâha 'sindaki istilahlr* (Invasions in Miftahü'l-belaga and Misbahü'l-fesaha of Ismail-i Ankaravi, Volume 9, April 2016, pp. 467–477.
27. Filshinskiy I.M., *Arabskaya klassicheskaya literatura (V-nachalo X veka)*, (Arabic classical literature (V-beginning of the X century)), Moscow: Main Editorial Office of Oriental Literature, 1985, 247 p.
28. Chalisova, N.Yu. *Rashid ad-Din Vatvat i yego traktat Sadi volshebstva v tonkostyax poezii* (Rashid ad-Din Watwat and his treatise Gardens of Magic in the intricacies of poetry), Moscow: science, 1985, 325 p.
29. Taroziy Ahmad, *Uzbekiston adabiyoti va san'ati* (Literature and art of Uzbekistan), Toshkent, March 18, 1994.
30. Taroziy Ahmad, *Fununu-l-balag'a*, Tashkent: Xazina, 1996, 24 p.
31. Heinrichs W.P., *The Encyclopaedia of Islam*, Volume 8. Leiden, 1986, pp. 893–894.
32. Abu Ya'qub Yusuf As-Sakkakiy. *Miftah al-ulum. Matba'a Mustafa an-nababiy al-halabiy wa awladuh bi-Misr*, 1937.
33. Jalal ad-din Qazviniy, *Al-idah fi 'ulum al-balag'a*, Bayrut, available at: <http://www.shamela.ws>
34. Hamid Awniy, *Al-mihaj al-wadih li-l-balag'a* Dar al-kuttab bi-Misr. 1953.
35. Rashid ad-din Watwat, *Hadayiq as-sihr fi daqaiq ash-shi'r*. Tarjima Ibrahim Amin ash-shawaribiy, Al-Qahira, 2009.
36. Abd al-Qahir Al-Jurjaniy, *Asrar al-balagah*, Bayrut-Lubnan, 2002.
37. Al-Mu'tazz, Abd Allah, *Al-kitab al-badi'*, available at: [zaza@alwarraq.com](mailto:zaza@alwarraq.com)